

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВ НУРМУХАММАД МУХТАРОВИЧ**

**ПИЁЗ УРУҒЛАРИНИ ТАСМАЛИ КЎП ҚАТОРЛАБ ЭКАДИГАН  
СЕЯЛКА ПУШТАОЛГИЧИ-ТЕКИСЛАГИЧИНИНГ ТУРИ ВА  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Хамидов Нурмухаммад Мухтарович**

Пиёз уруғларини тасмали кўп қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-  
текислагичининг тури ва параметрларини асослаш..... 3

**Хамидов Нурмухаммад Мухтарович**

Обоснование типа и параметров гребнеделатель-выравнивателя сеялки  
для многострочного ленточного сева семян лука..... 19

**Khamidov Nurmukhammad Muxtarovich**

Justification of the type and parameters of the bomb maker-leveler of the  
seeder for sowing of onion seeds..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 39**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВ НУРМУХАММАД МУХТАРОВИЧ**

**ПИЁЗ УРУҒЛАРИНИ ТАСМАЛИ КЎП ҚАТОРЛАБ ЭКАДИГАН  
СЕЯЛКА ПУШТАОЛГИЧИ-ТЕКИСЛАГИЧИНИНГ ТУРИ ВА  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2413 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тўхтақўзиев Абдусалим**

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпонентлар:**

**Имомқулов Қутбиддин Боқижонович**

техника фанлари доктори, профессор

**Турдалиев Воҳиджон Маҳсудович**

техника фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Қаримов номидаги Тошкент давлат  
техника университети**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил « 2 » декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (465 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » ноябр кун тарқатилди.  
(2022 йил « 15 » ноябр даги № 24 рақамли реестр баённомаси).



**М.Т. Тошболтаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Ибрагимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**К.К. Нуриев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раисининг ўринбосари, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сабзавот етиштириш учун энергия-ресурстежамкор технологиялар ва замонавий техника воситаларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида сабзавот экинлари 58,2 млн гектардан ортиқ майдонларда етиштирилишини ҳисобга олсак”<sup>1</sup>, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроқни экишга тайёрлаш ва сабзавот экинлари уруғларини талаблар даражасида экадиган машиналарини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида сабзавот экинлари пушта олиниб ва уларга ишлов берилиб экилади. Аммо махсус сеялкалар бўлмаганлиги сабабли сабзавот уруғларини экиш маҳаллий шароитга мослашмаган хорижий сеялкалар ҳамда илмий жиҳатдан асосланмаган ясама мосламалар ёрдамида даладан кўп марталаб ўтилиб бажарилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти, ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларни ортиб кетишига, маҳсулот таннархининг ошишига олиб келмоқда. Шу жиҳатдан даладан бир ўтишда бир нечта тадбирни бажарадиган энергия-ресурстежамкор экиш агрегатларни яратиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда сабзавот экинлари уруғини экадиган ресурстежамкор янги технологиялар ва техника воситаларини ишлаб чиқиш, мавжудларини ресурстежамкорлик йўналишида такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда экишга тайёрланган далаларда пушталарни шакллантириб, уларнинг тепасига сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг пуштаолгичига ўрнатилган текислагичи ва исканасининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларида агротехник кўрсаткичлар талаблар даражасида бўлишини таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалиги экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва уларни амалга оширишда қўлланиладиган юқори унумли машиналар ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “... қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш, илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли томонидан томорқалардан самарали фойдаланилиши учун шароитлар яратиш”<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 29 мартдаги

<sup>1</sup> <https://xn--80aplem.xn--p1ai/analytics/Mirovoj-rynok-ovosej-i-bahcevyh-kultur/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.

“Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5388-сон Фармонида мева-сабзавотчиликни жадал ва самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан сабзавот экинлари етиштириладиган пушталарни агротехник талаблар даражасида шакллантирадиган машина ва қурилмаларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ва жорий этиш ҳисобига сабзавот экинларидан юқори ҳосил олиш ва таннархини пасайтириш муҳим илмий-техник масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4410-сон, 2020 йил 11 майдаги “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-ришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4709-сон, 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4863 сон қарорлари, 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган сеялқаларнинг конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик жараёнлари ва параметрларини асослаш ҳамда такомиллаштириш бўйича хорижда В.П.Чичкин, В.М.Гусев, Г.М.Бузенков, Н.П.Крючин, Б.Х.Ахалая, Н.П.Ларюшин, А.В.Поликанов, В.А.Скользаев, С.И.Сочинёв, А.Б.Чапаев, Г.Л.Татаров, А.С.Фирсов, N.Lindholm, F.Vučajnk, R.Bernik, М.Г.Догановский, С.П.Авакян, А.А.Баранов, Ф.М.Канарев, В.И.Черников, П.Р.Балабанов, П.И.Слободюк, ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда айнан пуштаолгичларга доир тадқиқотлар билан Г.М.Рудаков, В.А.Сергиенко, С.П.Чирцов, Н.Д.Одаренко, Е.И.Пономарёв, С.Г.Цай, А.Караханов, Р.И.Байметов, А.Тўхтақўзиев, Ф.М.Маматов, С.А.Қундузов, А.М.Шакиров, А.Х.Мейлиев, Б.М.Худаяров, А.Худоёров, С.Темиров, Н.М.Комилов, А.Игамбердиев, Ш.У.Равшанов, А.А.Ибрагимов, В.М.Турдалиев, Ғ.У.Махкамов, А.Э.Эшдавлатовлар шуғулланишган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган экиш машиналари ва уларнинг иш органлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг

қўлланилиб келинмоқда. Аммо сабзавот экинлари уруғларини бир йўла пушта шакллантириб, уларнинг тепа қисмига қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичининг текислагичи ва исканасининг тури ҳамда параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-Атех-2018-60 “Майда уруғли сабзавот экинларини етиштириш ва пиёз йиғиштириш техника воситалари комплексини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг тури ва параметрларини асослаш орқали пушталарни талаб даражасида шакллантириш ва экиш харажатларини камайтиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экиш технологияси ва техника воситаларига оид илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

сабзавот экинлари уруғларини бир йўла пушта шакллантириб, қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг ишлаш шароитини ўрганиш;

сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг тури ва параметрларини асослаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;

пуштаолгич-текислагичлар билан жиҳозланган сеялканинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва унинг синовларини ўтказиш ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида майда уруғлар экиладиган дала тупроғининг физик-механик хоссалари, сеялка пуштаолгичи-текислагичи ва унинг технологик иш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сеялка пуштаолгичига ўрнатилган текислагичлар ва исканаларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар, сеялка агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг технологик ва конструктив параметрларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механиканинг асосий қонунлари ва пона назарияси, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (ГОСТ 20915-2011, О'з DSt 3412:2019, О'з DSt 3193:2017, ГОСТ Р 53056-2008 ва О'з DSt 3197:2017) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бир йўла пушта шакллантириб, майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичига ўрнатилган текислагич-

лар ва искананинг конструкциялари пушталарни белгиланган талаблар даражасида шакллантирилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

пуштаолгичга ўрнатилган текислагичнинг шакли иш жараёнини кам энергия сарфлаган ҳолда бажарилиши лозимлиги шартидан аниқланган;

текислагич параметрларининг ўзгариш чегаралари унинг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар асосида аниқланган;

текислагичнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги ва бурчаклари, пуштаолгичлар орасидаги бўйлама масофа, искананинг тури ва агрегат ҳаракат тезлиги уларнинг пуштаолгич-текислагичнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсирини ифодаловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини агротехник талаблар асосида бир йўла пушта шакллантириб, унинг тепа қисмига қаторлаб экадиган сеялканинг текислагичи ва исканасининг конструкциялари ишлаб чиқилган ва параметрлари асосланган;

ишлаб чиқилган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгич билан жиҳозланган сабзавот сеялкаси қўлланилганда меҳнат ва бошқа харажатларнинг камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг самарали усуллар ва ўлчов воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, пуштаолгичга ўрнатилган текислагич ва искананинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика ва олий математиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, ишлаб чиқилган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сеялка дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бир йўла пушта шакллантирадиган ва сабзавотчилик сеялкаси пуштаолгичига ўрнатилган текислагич ва исканаларнинг параметрларини асосланганлиги ҳамда олинган аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш машиналарнинг иш органларини тадқиқ этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосланган тур ва параметрларга эга бўлган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сеялка қўлланилганда моддий харажатлар ҳамда ёнилғи ва меҳнат сарфининг камайиши ва иш унумининг ошгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пиёз уруғларини тасмали кўп қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг тури ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

бир йўла суғориш эгатларини очадиган ва пиёз уруғларини кўп қаторлаб экадиган сеялкага дастлабки талаблар ва унинг конструкциясини лойиҳалаш

учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги № 07/24-04/5776-сон маълумотномаси). Натижада таклиф этилаётган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган энергия-ресурстежамкор сеялка конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сеялка Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ҳамда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтларининг тажриба хўжаликлари ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги № 07/24-04/5776-сон маълумотномаси). Натижада уруғлик сарфининг сочиб экишга нисбатан 1,2-1,5 мартага, бошқа харажатларни 1,2-1,6 мартага камайиши ва иш унумининг 1,3 мартагача ошиши таъминланган;

таклиф этилган сеялканинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (дастлабки талаблар ва техник топшириқ) “ВМКВ-Agromash” АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги № 07/24-04/5776-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга бўлган текислагич ва исканалар ўрнатилган пуштаолгичлар билан жиҳозланган энергия-ресурстежамкор сеялканинг саноат нусхаларини ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Кенгашида, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 1 та фойдали моделга Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва

диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида сабзавот экинлари уруғларини экиш техно-



**1-расм. Бир йўла пушта шакллантириб майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеяланинг технологик схемаси**

уруғлар уруғўтказгичлар 9 орқали сошник 11 га келиб тушади. Параллелограмм механизмлар 8 ёрдамида рамага қўзғалувчан (шарнирли) маҳкамланган сирпанғичлар 12 билан жиҳозланган сошниклар 11 пушталар тепа қисми кенглигида пружина ҳосил қиладиган босим кучи таъсирида ҳаракатланиб, уларнинг юза қисмини маълум даражада зичлайди, белгиланган чуқурлик ва кенгликда ариқчалар очиб кетади. Сошниклар ҳосил қилган ариқчаларга уруғўтказгичлар орқали уруғлар ташланади. Экиш ариқчаларига ташланган уруғлар тупроққа занжирли шлейфлар 10 билан 2-3 см чуқурликда

гиялари ва техника воситалари, пуштаолгичларнинг таҳлили ва конструкцияси, уларнинг иш органларига доир илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунларда республикамызда сабзавот экинлари асосий ва такрорий экин сифатида етиштирилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон шароитида сабзавот экинлари пушта олиниб ва уларга ишлов берилиб экилади. Аммо махсус сеялкалар бўлмаганлиги сабабли сабзавот уруғларини экиш маҳаллий шароитга мослашмаган хорижий сеялкалар ҳамда илмий жиҳатдан асосланмаган ясама мосламалар ёрдамида бажарилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти, ёнилғи сарфи ва бошқа харажатларнинг пировардида маҳсулот таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бир йўла пушта шакллантириб майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеяланинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди (1-расм). Иш жараёнида рама 4 га қўзғалмас этиб маҳкамланган пуштаолгичлар 15 билан пушталар олиниб, уларнинг қанотларига ўрнатилган текислагичлар 14 востасида пушталарнинг тепа қисми текисланиб, трапеция кўринишига келтирилади. Экиш аппаратлари 7 га ҳаракат узатиш таянч-юритувчи ғилдираклар 1 дан занжирли узатмалар 2 орқали етказиб берилади. Уруғ бункери 6 даги меъёрланган уруғ ўтказгичлар 9 орқали сошник 11 га келиб тушади. Параллелограмм механизмлар 8 ёрдамида рамага қўзғалувчан (шарнирли) маҳкамланган сирпанғичлар 12 билан жиҳозланган сошниклар 11 пушталар тепа қисми кенглигида пружина ҳосил қиладиган босим кучи таъсирида ҳаракатланиб, уларнинг юза қисмини маълум даражада зичлайди, белгиланган чуқурлик ва кенгликда ариқчалар очиб кетади. Сошниклар ҳосил қилган ариқчаларга уруғўтказгичлар орқали уруғлар ташланади. Экиш ариқчаларига ташланган уруғлар тупроққа занжирли шлейфлар 10 билан 2-3 см чуқурликда

кўмилади. Дискли маркерлар 5 экиш агрегатларининг кейинги ўтиш йўналишини ва қаторлар оралиғи кенглигининг агротехник талаблар даражасида бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг «Сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг ишлаш шароитларини ўрганиш ва унинг турини танлаш бўйича тадқиқотларнинг натижалари» деб номланган иккинчи бобида сабзавот уруғлари экиладиган далалар тупроғининг физик-механик хоссалари, пуштаолгич-текислагичга қўйиладиган агротехник талаблар, пуштаолгичнинг турини танлаш, текислагич конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва дастлабки синовларининг натижалари келтирилган.

Бунда экишга тайёрланган дала тупроғининг 0-5, 5-10, 10-15 ва 15-20 см қатламлардаги ўртача намлиги мос равишда 10,4; 14,1; 17,4 ва 18,6 % ни, зичлиги 1,10; 1,14; 1,22 ва 1,25 g/cm<sup>3</sup> ни, қаттиқлиги эса 0,50, 0,64, 0,76 ва 1,04 МРа ни, табиий тўкилиш бурчаги 38-41° ни ва ўлчами 25 mm дан кичик фракциялар миқдори 96,8 фоизни ташкил этди.


Таққослов синовларининг натижалари бўйича кейинги тадқиқотларни ўтказиш учун КХУ-4 универсал пахтачилик чопиқ култиваторининг эгачоқичи қабул қилинди.

Дастлабки синовларда текислагичлар билан жиҳозланган пуштаолгичлар томонидан агрегатнинг 6 km/h ҳаракат тезлигида баландлиги 11,2 см ва тепасининг кенглиги 35,7 см, 8 km/h ҳаракат тезлигида баландлиги 10,0 см, тепасининг кенглиги 37,8 см бўлган пушталар шакллантирилди.

Диссертациянинг «Сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг параметрларини назарий асослаш» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган сеялка пуштаолгичига ўрнатилган текислагич ва искананинг асосий параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

2-расмдаги схемадан фойдаланиб пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги ( $h_э$ ) ни аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди:


$$h_э = 0,25 \left[ - (b - 2h_n \operatorname{ctg} \varphi) + \sqrt{(b - 2h_n \operatorname{ctg} \varphi)^2 + 8 (b - h_n \operatorname{ctg} \varphi) h_n \operatorname{ctg} \varphi} \right] \operatorname{tg} \varphi, \quad (1)$$



2-расм. Пуштанинг геометрик ўлчамлари

бунда  $b$  – пушта қатор оралигининг кенглиги;  $h_n$  – пушта баландлиги;  $\varphi$  – тупроқнинг табиий тўкилиш бурчаги.

3-расмда (1) ифода бўйича  $\varphi$  нинг




1 –  $\varphi = 30^\circ$ ; 2 –  $\varphi = 35^\circ$ ; 3 –  $\varphi = 40^\circ$

3-расм.  $\varphi$  нинг турли қийматларида пуштаолгич юриш чуқурлигининг пушта баландлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

турли қийматларида пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги  $h_n$ , ни пушта баландлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилган. Улардан кўриниб турибдики, пушта баландлиги ва  $\varphi$  бурчакнинг ортиши билан пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги ҳам орта боради.  $b = 70$  см,  $\varphi = 38^\circ$  ва  $h_n = 10-15$  см қабул қилиниб, ҳисоблашлар пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги 8,6-12,1 см оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Қуйидагилар пуштаолгич-текислагичнинг асосий параметрлари ҳисобланади (4-расм):  $\gamma$  – текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги;  $h_y$  – текислагичнинг ўрнатилиш баландлиги;  $h_T$  – текислагичнинг баландлиги;  $b_T$  – текислагичнинг қамраш кенглиги.



Текислагич ишчи сиртининг шакли ва унинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ( $\gamma$ ) у билан тупроқ бўлақларининг ўзаро таъсирлашиш вақти минимал бўлишини таъминлаш шартидан, текислагичнинг ўрнатилиш баландлиги ( $h_y$ ) унинг қиймати пуштанинг ўртача баландлигига тенг бўлиши шартидан, текислагичнинг қамраш кенглиги ( $b_T$ ) пушта тепа қисмининг кенглигидан келиб чиқиб, текислагичнинг баландлиги ( $h_T$ ) иш жараёнида унинг олдида уюладиган тупроқ тепа қиррасидан ошиб кетмаслиги шартидан аниқланди ва қуйидаги ифодаларга эга бўлинди:

$$\gamma = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi_1}{2}; \quad (2) \quad h_y = h_{yp}; \quad (3)$$

1 – пуштаолгич; 2 – текислагич; 3 – искана

#### 4-расм. Пуштаолгич-текислагичнинг асосий параметрлари

$$b_T = 0,5b - h_{yp} \operatorname{tg} \delta; \quad (4) \quad h_T \geq \sqrt{b_T [\operatorname{ctg} \gamma + \operatorname{tg}(\gamma + \varphi_1)] H_n \sin \gamma \operatorname{tg} \mu}, \quad (5)$$

бунда  $\varphi_1$  – тупроқнинг текислагич ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги;  $h_{yp}$  – пуштанинг ўртача баландлиги;  $\delta$  – кўндаланг-тик текисликда пуштаолгич қанотлари очилиш бурчагининг ярми;  $H_n$  – пушта тепасида ҳосил бўладиган нотекисликларнинг баландлиги;  $\mu$  – текислагичларнинг олдида уюлган тупроқнинг горизонтга қиялик бурчаги.

$$\varphi_1 = 30-34^\circ; \quad h_{yp} = 10-15 \text{ см}, \quad \delta = 50^\circ; \quad b_T = 20 \text{ см}, \quad \gamma = 30^\circ; \quad H_n = 3,5 \text{ см}; \quad \mu = 30^\circ$$

қабул қилиб, (2) - (5) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $30^\circ$ , текислагичнинг ўрнатилиш баландлиги 10-15 см, текислагичнинг қамраш кенглиги 17,12-23,08 см, текислагичнинг баландлиги 8,7 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.


Пуштаолгич-текислагич исканасининг тупроққа кириш бурчаги ( $\alpha_u$ ), унинг ўткирланиш бурчаги ( $2\varepsilon$ ), эни ( $b_u$ ), эгрилик радиуси ( $R_u$ ) искана тупроққа тўлиқ ботиб ишлаши, унинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши, пуштаолгич-текислагич томонидан шакллантирилган эгат тубида тупроқнинг физик-механик хоссаларининг ёмонлашуви ва ишчи органнинг тортишга қаршилиги ортишига олиб келадиган деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги шартларидан 5-расмда келтирилган схема бўйича аниқланди ва куйидаги ифодалар олинди:

$$\alpha_u = \arcsin \left\{ \left[ \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[ 2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] [1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2)]} - \sin(\varphi_1 + \varphi_2) \right] : \left[ 2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \right\}; \quad (6)$$

$$b_u > \frac{(m + ctg \alpha_u) h_u}{0,1 \frac{T_3}{\tau_k} (1 + 3ctg(\alpha_u + \varphi_1)) - n}; \quad (7)$$

$$R_u = \frac{h_u}{\cos \alpha_u - \cos \alpha_{uo}}, \quad (8)$$

бунда  $\varphi_1$  – тупроқнинг искананинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги;  $\varphi_2$  – тупроқнинг тупроққа ишқаланиш бурчаги;  $m, n$  – тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган коэффициентлар;  $h_u$  – искананинг тупроққа



**5-расм. Пуштаолгич-текислагич исканасининг асосий параметрлари**

ботиш чуқурлиги;  $T_3$  – искана билан таъсирлашаётган тупроқнинг эзилишига солиштирма қаршилиги;  $\tau_k$  – тупроқнинг силжишга солиштирма қаршилиги;  $\alpha_{uo}$  – искана юқори қисмининг тупроққа кириш бурчаги.

$\varphi_1=30-34^\circ$ ,  $\varphi_2=35-45^\circ$ ;  $m=4,2$ ;  $n=2,5$ ;  $\alpha_u=30^\circ$ ;  $h_u=0,1$  м;  $T_3=1,2 \cdot 10^6$  Ра;  $\tau_k=1,7 \cdot 10^4$  Ра;  $\alpha_{uo}=60^\circ$  қабул қилиб, (6) - (8) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблашлар пуштаолгич-текислагич исканасининг тупроққа кириш бурчаги  $25-30^\circ$  оралиғида, учининг ўткирланиш бурчаги  $60^\circ$ , искананинг эни камида 3,5 см, эгрилик радиуси 27,3 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.


Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида пуштаолгичга ўрнатилган текислагич ва искананинг параметрларини тажрибавий асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Пуштаолгич исканаси турининг унинг иш кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этишда ГХ-4 пуштаолгич иш органининг ва КХУ-4 эгат очкичининг


исканалари ҳамда ўлчамлари 45x150 ва 45x175 mm ли юмшаткич панжа кўринишидаги исканалар билан жиҳозланган пуштаолгич-текислагич-ларнинг тортишга қаршилиги ўрганилди. Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5,2 km/h дан 8,0 km/h гача ортганда ГХ-4 пуштаолгич иш органининг исканаси билан жиҳозланган пуштаолгич-текислагичларнинг тортишга қаршилиги 531 N дан 619 N гача, КХУ-4 эгат очкичнинг исканаси билан жиҳозланган пуштаолгич-текислагичларнинг тортишга қаршилиги 519 N дан 572 N гача, ўлчамлари 45x150 mm ва 45x175 mm юмшаткич панжа кўринишидаги искана билан жиҳозланган пуштаолгич-текислагичларнинг тортишга қаршилиги мос равишда 491 N дан 551 N гача ва 506 N дан 610 N гача ортган. Ўлчамлари 45x175 mm ли искананинг тортишга қаршилигини ўлчамлари 45x150 mm ли исканага нисбатан катта бўлишига сабаб унинг олд юзасини катталиги хисобланади. Демак, пуштаолгич-текислагичларга эни 45 mm узунлиги 150 mm бўлган юмшаткич панжа кўринишидаги искана ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бунда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги пушта шакллантирилиши таъминланади.

*Текислагичларнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги.* Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h тезликларида текислагичларнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги 100 mm дан 120 mm гача ортиши билан пушта баландлиги мос равишда 90 mm дан 115 mm гача ва 75 mm дан 105 mm гача ошиб борган (6, а-расм), пушта тепасининг кенглиги эса мос равишда 335 mm дан 265 mm гача ва 375 mm дан 310 mm гача камайган (6, б-расм). Кейинчалик эса кўрсаткичларнинг ортиш ва камайиш жадаллиги сезиларли даражада сусайган, яъни текислагичларнинг ўрнатилиш баландлиги 120 mm дан 140 mm гача ортиши билан юқорида кўрсатилган тезликларда пушта баландлиги мос равишда 115 mm дан 125 mm гача ва 105 mm дан 110 mm гача ошган, пушта тепасининг кенглиги эса мос равишда 265 mm дан 255 mm гача ва 310 mm дан 295 mm гача камайган.  $h_y$  нинг қиймати 140 mm дан ортганда пушта баландлиги ва тепасининг кенглиги ўзгармай қолган. Бунинг асосий сабаби шуки, текислагичларнинг ўрнатилиш баландлиги 100 mm бўлганда тупроқ бўлақларини текислагичларнинг остидан ўта олмасдан уларнинг олдида уюлиши ва устидан ошиб тушиши кузатилган, 120 mm бўлганда тупроқ бўлақларининг текислагичларнинг ишчи сиртлари бўйлаб ёнбошга сурилиши ва уларнинг остидан ўтиб кетиши кузатилган, 140 mm ва 160 mm бўлганда эса тупроқнинг текислагич ишчи сирти бўйлаб қисман сурилиши ва асосан остидан ўтиб кетиши рўй берган. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида текислагичларнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги 100 mm дан 120 mm гача ошиши билан унинг тортишга қаршилиги мос равишда 645 N дан 515 N гача ва 696 N дан 554 N гача камайган. Кейинчалик сезиларли ўзгармаган. Буни юқорида таъкидланган сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, текислагичларнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги 120 mm бўлганда шакллантирилган пушта баландлиги ва тепасининг кенглиги сабзавот экинлари уруғларини экишга қўйиладиган агротехник талаблар (баландлиги 105 mm, тепа қисмининг кенглиги 310 mm) даражасига яқин бўлди.



a)



б)

1 –  $V=5,2$  km/h; 2 –  $V=7,6$  km/h

### б-расм. Текислагичларнинг ўрнатилиш баландлиги ( $h_y$ ) ни пуштаолгич-текислагичнинг иш кўрсаткичларига таъсири

Текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги. Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини  $25^\circ$  дан  $30^\circ$  гача ошиши билан пушта баландлигини мос равишда 130 mm дан 115 mm гача ва 115 mm дан 105 mm гача камайиши, пушта тепасининг кенглигини мос равишда 210 mm дан 265 mm гача ва 270 mm дан 305 mm гача кенгайиши,  $30^\circ$  дан  $40^\circ$  гача ўзгариши билан эса пушта баландлигини мос равишда 115 mm дан 100 mm гача ва 105 mm дан 90 mm гача камайиши, пушта тепасининг кенглигини мос равишда 265 mm дан 315 mm гача ва 305 mm дан 340 mm гача кенгайиши кузатилган. Яъни текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини  $25^\circ$  дан  $40^\circ$  гача ўзгариши пушта баландлигининг камайиши ҳамда пушта тепаси кенглигининг ошишига олиб келган. Буни ўрганилаётган бурчакнинг ортиши натижасида тупроқ бўлақларининг текислагичлар томонидан ҳаракат йўналиши бўйлаб сурилиши ва уларнинг пушталар эгатларига тўкилишининг ортишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин.

Агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5,2 km/h дан 7,6 km/h гача ортганда пушта баландлиги 10 mm дан 15 mm гача камайган, пушта тепасининг кенглиги 20 mm дан 60 mm гача кенгайган. Буни агрегат ҳаракат тезлиги ортиши билан пуштаолгич барча элементларининг тупроқ бўлақларига бериладиган зарба кучи катталashiши ва уларни узокроқ масофага улоқтирилиши билан изоҳласа бўлади.

Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $25^\circ$  дан  $40^\circ$  гача ўзгариши билан пуштаолгичнинг тортишга қаршилиги мос равишда аввалига 566 N дан 517 N гача ва 602 N дан 557 N гача камайган, кейинчалик 517 N дан 621 N гача ва 557 N дан 662 N гача ортган. Бунинг асосий сабаби шундаки, текислагичлар ҳаракат йўналишига нисбатан  $30-35^\circ$  оралиғида ўрнатилганда тупроқнинг уларнинг олдида уюлиши ва ишчи сиртларига ёпишиб қолиши минимал даражада бўлади.

Юқорида келтирилганлардан кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги пуштани шакллантириш учун текислагичларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30-35° оралиғида ростланиши лозим эканлиги келиб чиқади.

*Текислагичларнинг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги.* Агрегатнинг 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида текислагичларнинг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчагини -5° дан 10° гача ўзгариши билан пушта баландлиги мос равишда 117 mm дан 100 mm гача ва 110 mm дан 90 mm гача камайган, пушта тепасининг кенглиги эса мос равишда 250 mm дан 325 mm гача ва 275 mm дан 345 mm гача ошган. Буни текислагичларнинг олдига эгилиши тупроқ бўлакларини пастга босиши, орқага эгилиши эса уларни юқорига кўтариши ва олдинга кўпроқ суриши билан изоҳлаш мумкин. Бунинг натижасида тупроқ эгатларига тўкилиб, пуштанинг баландлиги камаяди, пушта тепасининг кенглиги ортади.

Текислагичларни пуштаолгичлар қанотларига тик ўрнатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Пуштаолгичлар орасидаги бўйлама масофани* 100 mm дан 200 mm гача ошиши 5,2 ва 7,6 km/h ҳаракат тезликларида пушта баландлигини мос равишда 85 mm дан 115 mm гача ва 70 mm дан 105 mm гача ошишига, пушта тепасининг кенглигини мос равишда 340 mm дан 270 mm гача ва 375 mm дан 305 mm гача камайишига, тортишга қаршилиқни мос равишда 659 N дан 515 N гача ва 706 N дан 554 N гача камайишига олиб келган. Бўйлама масофа 200 mm дан 250 mm гача ошганда бу кўрсаткичлар ўзгармаган. Буни пуштаолгичлар орасидаги бўйлама масофа 100 ва 150 mm бўлганда тупроқ бўлаклари текислагичлар орасига тикилиб, тупроқ уюми ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин. Бўйлама масофа 200 mm ва ундан катта бўлганда текислагичлар орасига тупроқ тикилмаган.

Демак, пуштаолгичлар орасидаги бўйлама масофа камида 200 mm бўлиши лозим.

Текислагич параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун экспериментларни математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Бунда текислагичнинг пуштаолгичга ўрнатилиш баландлиги ( $X_1$ ), текислагичнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ( $X_2$ ), текислагичнинг тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги ( $X_3$ ) ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги ( $X_4$ ) текислагичнинг иш сифати ва энергетик кўрсаткичларига энг кўп таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Баҳолаш мезонлари сифатида пушта баландлиги ва пушта тепасининг кенглиги ҳамда текислагичлар билан жиҳозланган пуштаолгичнинг тортишга қаршилиги қабул қилинди. Тажриба натижаларига ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи кўйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- пушта баландлиги бўйича (mm):

$$Y_1 = 115,457 + 15,567X_1 - 7,333X_2 - 3,500X_3 - 4,500X_4 - 5,478X_1^2 - 1,375X_1X_2 - 0,958X_1X_3 - 1,708X_1X_4 + 1,856X_2^2 + 2,208X_2X_4 - 1,978X_3^2 + 2,125X_3X_4 + 2,522X_4^2; \quad (11)$$

- пушта тепасининг кенглиги (mm):

$$Y_2 = 333,357 - 34,567X_1 + 6,500X_2 + 39,833X_3 + 15,000X_4 + 26,875X_1^2 - 6,792X_1X_2 - 6,792X_1X_3 + 6,792X_1X_4 - 8,458X_2^2 - 6,875X_2X_3 + 7,042X_2X_4 - 8,458X_4^2; \quad (12)$$

- текислагичлар билан жиҳозланган пуштаолгичнинг тортишга қаршилиги бўйича (N):

$$Y_3 = 683,479 - 86,100X_1 + 47,333X_2 - 34,667X_3 + 52,500X_4 + 32,162X_1^2 - 9,125X_1X_2 - 10,625X_1X_3 + 9,042X_1X_4 + 14,163X_2^2 - 9,042X_2X_3 + 10,792X_2X_4 + 21,163X_3^2 + 9,292X_3X_4 + 28,996X_4^2. \quad (13)$$

(11) - (13) регрессия тенгламалари “ $Y_1$ ” мезон, яъни пушта баландлиги 100-120 mm оралиғида бўлиши; “ $Y_2$ ” мезон, яъни тепасининг кенглиги  $350 \pm 20$  mm бўлиши; “ $Y_3$ ” мезон, яъни тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартларидан биргаликда ечилди ва текислагичлар билан жиҳозланган пуштаолгичлар 5,2-7,6 km/h ҳаракат тезликларида сабзаёт экинлари уруғларини экиш учун талаб даражасидаги пушталарни кам энергия сарфлаган ҳолда шакллантириши учун текислагичларнинг пуштаолгичларга ўрнатилиш баландлиги 108,6-123,5 mm, уларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $33^\circ 36' - 36^\circ 24'$  ва тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $-0^\circ 54' - 1^\circ 14'$  бўлиши лозимлиги аниқланди. Ушбу қийматларда пушта баландлиги 113,4-114,2 mm, тепасининг кенглиги 332,8-352,9 mm ва тортишга қаршилиги 698,1-761,6 N ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Сабзаёт сеялкаси хўжалик синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган текислагич ва исканаларга эга бўлган пуштаолгичлар билан жиҳозланган бир йўла пушта шакллантириб сабзаёт экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, хўжалик синовларининг натижалари ҳамда иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган текислагич ва исканаларга эга бўлган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сеяланинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйиладиган талабларга тўлиқ мос келди.

Ишлаб чиқилган текислагич ва исканаларга эга бўлган пуштаолгичлар билан жиҳозланган бир йўла пушта шакллантириб майда уруғли сабзаёт экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялка қўлланилганда меҳнат сарфи 35,1 фоизга ва эксплуатацион харажатлар 54,1 фоизга камайди. Йиллик иқтисодий самара текислагич ва исканаларга эга бўлган пуштаолгичлар билан жиҳозланган битта сеялкага 25 967 522 сўмни ташкил этди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

“Пиёз уруғларини тасмали кўп қаторлаб экадиган сеялка пуштаолгичи-текислагичининг тури ва параметрларини асослаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Пиёз уруғларини экадиган мавжуд сеялкалар конструкцияларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш агрегатнинг даладан бир ўтишида пушталар шакллантириб, уларнинг тепа қисмларини пиёз уруғларини тасмали кўп қаторлаб экиш учун тайёрлаб кетадиган пуштаолгич-текислагич ишлаб чиқишга асос бўлди.

2. Ишлаб чиқилган пуштаолгич-текислагич томонидан шакллантирилган пушталарга пиёз уруғларини тасмали кўп қаторлаб экиш иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорликни камайтиришни таъминлайди.

3. Пуштаолгич-текислагичнинг тупроққа ботиш чуқурлигини 8,6-12,1 см оралиғида, унга ўрнатилган текислагич ишчи сиртининг шаклини ясси юза кўринишида, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини 28-30° оралиғида, уни пуштаолгичнинг тумшуғига нисбатан ўрнатилиш баландлигини 10-15 см, қамраш кенлигини 17,1-23,1 см оралиғида, баландлигини камида 8,7 см, исканасининг тупроққа кириш бурчаги 25-30° оралиқларида, энини камида 3,5 см, эгрилик радиусининг 27,3 см бўлиши, талаблар даражасидаги пушталарни шакллантириш имконини беради.

4. Пуштаолгичлар орасидаги бўйлама масофа камида 200 мм бўлганда технологик жараённинг ишончли бажарилиши ва текислагичларнинг тупроқ бўлакларига тикилмасдан ишлаши таъминланади.

5. Ишлаб чиқилган пуштаолгич-текислагичларни эни 45 мм ва узунлиги 150 мм бўлган юмшаткич панжа кўринишидаги исканалар билан жиҳозлаш уларнинг тортишга қаршилиги минимал бўлишини таъминлаш имконини беради.

6. Агрегатнинг 5,2-7,6 км/ҳ ҳаракат тезликларида текислагичларнинг пуштаолгичларга ўрнатилиш баландлиги 108,6-123,5 мм, уларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 33°36'-36°24' оралиқларида бўлганда сабзавот уруғларини қаторлаб экиш учун кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги пушталарни шакллантириш имкони яратилади.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган текислагич ва исканаларга эга бўлган пуштаолгичлар билан жиҳозланган сабзавот экинлари уруғларини қаторлаб экадиган сеялкани қўллаш амалда мавжуд техника воситаларига нисбатан меҳнат сарфини 35,1 фоизга, эксплуатация харажатларини 54,1 фоизга камайтиради ва битта сеялкадан йилига 25 967 522 сўм иқтисодий самара олишга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**ХАМИДОВ НУРМУХАММАД МУХТАРОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ТИПА И ПАРАМЕТРОВ ГРЕБНЕДЕЛАТЕЛЬ-  
ВЫРАВНИВАТЕЛЯ СЕЯЛКИ ДЛЯ МНОГОСТРОЧНОГО  
ЛЕНТОЧНОГО СЕВА СЕМЯН ЛУКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Гулбахор – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/T2413.

Диссертация выполнена в Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Тухтакузиев Абдусалим**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Имомкулов Кутбиддин Бокижонович**  
доктор технических наук, профессор

**Турдалиев Вохиджон Махсудович**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный  
технический университет имени  
Ислама Каримова**

Защита диссертации состоится «2» декабря 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 465). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).

Автореферат диссертации разослан «15» ноября 2022 года  
(Протокол рассылки № 24 от «15» ноября 2022 года)



**М.Т. Тошболтаев**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Ибрагимов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

**К.К. Нуриев**

Заместитель председателя научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает разработка современных энергоресурсосберегающих технологий и технических средств для выращивания овощных культур. «Если учесть, что во всем мире овощные культуры выращиваются на площади более чем 58,2 млн га»<sup>1</sup>, то, одной из актуальных задач сегодня является разработка энергоресурсосберегающих машин с высокой производительностью и качеством работы для подготовки почвы к посеву и посева семян овощных культур. В условиях Узбекистана для посева овощных культур формируют и подготовливают гребни. Однако из-за отсутствия специальных сеялок посев семян овощных культур на гребни осуществляется зарубежными образцами, не приспособленными к местным условиям, а также самодельными устройствами, не имеющими научной основы и требующими многократный проход по полю. Это, в свою очередь, приводит к увеличению трудозатрат, рабочего времени, расхода топлива и др., а также повышению себестоимости продукции. В связи с этим важное значение имеет создание и разработка энергоресурсосберегающих агрегатов, выполняющих несколько операция за один проход по полю при посеве семян овощных культур.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку ресурсосберегающих технологий и технических средств для посева семян овощных культур. В этом направлении актуальным является проведение целенаправленных научных исследований по разработке конструкции сеялки для одновременного формирования гребней на подготовленных к посеву полях и рядового посева семян мелкосемянных овощных культур по вершинам гребней, обоснованию параметров выравнителя и долота, установленных на гребнеделатель, обеспечивающих агротехнические показатели на уровне требований в процессе взаимодействия с почвой.

